

ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Эльмуратова Рухсора Толибжановна

*Таржимашунослик, тилишунослик ва
халқаро журналистика олий мактаби ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада ахборот хавфсизлигининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади ва ахборот хавфсизлиги концепцияси ҳамда таркибий қисмларини, ахборот хавфсизлигининг асосий характеристикалари доирасидаги ҳимоя турларини ва шахсий ахборот хавфсизлигини амалга ошириш соҳаларини ўрганади. Унда ахборот қуролларининг хусусиятлари, тамойиллари, амойиллари, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий дастурий воситалари аниқланади.

Калит сўзлар: Давлат, жамият, концепция, махфий, ахборот, ресурс, ахборот хавфсизлиги, глобал тармоқ.

Юртимизда электрон ҳукуматни куриш, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар жадал суратлар билан амалга оширилмоқда. Бугунги ўтиш даврида тобора глобаллашиб бораётган ахборот оқимини бошқариш ва ахборот билан самарали ишлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шу ўринда россиялик олима Е.А. Гречеванинг таъкидлашича, “Жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол фойдаланиладиган глобал тармоқнинг имкониятлари билим ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида ишончли маълумотларни олиш учун ахборот тизимларида ташкил этилган маълумотлар тўпламини ифодаловчи ахборот ресурсларига асосланади”²⁴. Бироқ, ахборотнинг роли ошгани сайин, ахборот хавфсизлиги воситалари билан таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шундай экан айтиш мумкинки, Ахборот хавфсизлиги ахборот инфратузилмаси томонидан белгиланадиган хавфсиз объектлар хусусиятига зарар етказишдан сақланиш кераклиги ҳақида куйидагича таърифланади:

– фуқароларнинг шахсий манфаатлари ривожланишини таъминловчи давлат ва ташкилотларда давлат сирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш запурати,
- яхлитлик, махфийлик каби хусусиятларнинг бузилишини бартараф этиш ёки сезиларли даражада тўсқинлик қиладиган ахборот ҳолатларида,

²⁴ Грачева Е.А. Информационная безопасность // The Newman in Foreign Policy. 2020. Т. 3, № 54 (98). С. 57-59.

- ахборотдан қатъий белгиланган мақсадда ва тизимга салбий таъсир кўрсатмасдан фойдаланиш имконини берувчи инфратузилма шакли;

- иқтисодий компонент, телекоммуникация ва ахборот тизимлари, бошқарув тузилмалари, маълумотларни йиғиш, тўплаш ва қайта ишлаш тизимлари, умумий иқтисодий таҳлил ва иқтисодий ривожланишни прогнозлаш, мувофиқлаштириш ва қарорлар қабул қилиш натижаларида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, назорат этилиш, коммуникация тармоқларини мувофиқлаштириш бугунги куннинг долзарб мавзусидир. Россиялик олим Д.Устинов томонидан ёзилган “Ахборот хавфсизлигининг моҳияти” номли китобида қуйидагича таъриф берилади, “Ахборот хавфсизлиги моҳиятининг асосий характеристикаси хавфсизликнинг қуйидаги икки турини ўз ичига олган хавфсизлик хусусиятидир”²⁵. Жамиятда жуда кўп ҳолларда ахборот манбаларига рухсатсиз кириш ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қоидаларга мувофиқ давлат томонидан белгиланган қонунлар, - шахсий маълумотлар ижтимоий қадриятлар ва бошқа махфий маълумотларни ҳимоя қилишда ахборот хавфсизлиги воситаларининг ишлашини таъминлаш ҳамда уларни муҳофаза қилиш²⁶.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган Халқаро манфаатлар, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш шартлари ахборот эркинлиги, маданий ва иқтисодий ривожланишни такомиллаштириш, онлайн демократияни, ИТ соҳасини ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, каби масалаларни ўз ичига олади. Озарбойжонлик олима Ирэна Робертнинг мақоласида, “Ахборот майдонида кенг қамровли ахборот хавфсизлигининг муҳим жиҳати шахсий маълумотлар хавфсизлиги бўлиб, у ҳам интернетдаги ўз-ўзидан маълумотлар билан ўзаро алоқалар учун, ҳам профессионал виртуал дунёда узоқ муддатли бўлиш учун тегишли”²⁷.

Шу ўринда шахсий маълумотлар хавфсизлигини таърифлаш, уларни ташқи тажовузкор ахборотлардан ҳимоя қилиш ахлоқий қадриятлар ва ҳиссиётларни камситувчи, ахлоқий бўлмаган маълумотлардан ҳимоя қилиш, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган сифатсиз педагогик маҳсулотлар, электрон шаклдаги интеллектуал мулк объектларини плагиатдан ҳимоя қилиш, ақлий ва жисмоний саломатликни ҳимоялашда ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирлардан ҳимоя

²⁵ Устинов Д. Сущность информационной безопасности // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2017. № 12. С. 146-151.

²⁶ Грачева Е.А. Информационная безопасность // The Newman in Foreign Policy. 2020. Т. 3, № 54 (98). С. 57-59.

²⁷ Роберт И.В. Информационная безопасность личности // Труды международного симпозиума «Надёжность и качество». 2018. Т. 1. С. 68-71.

қилиш заруратини кўриш лозим. Бугунги замонавий рақамли технологияларнинг ҳар қандай тизимлардаги ахборот хавфсизлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у ахборот маконига ва унинг алоҳида элементларига ноқонуний мақсадларда таъсир ўтказувчи кибержиноятларга самарали қарши туриш имконини беради.

Россиялик бир гуруҳ олимлар томонидан тайёрланган мақолада айтиб ўтилган, “ахборот хавфсизлиги воситалари ва усуллари ахборот қуролиларига қарши курашишга қаратилган бўлиб, улар орқали маълумотларга рухсатсиз кириш, ўзгартириш, йўқ қилиш, нусхалаш, блокировка қилиш, тарқатиш, таъминлаш ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар, ахборотдан фойдаланиш тартиби бузилади ва маълумотларга умумий салбий таъсир кўрсатилади ахборотни қайта ишлаш воситалари таъсир қилади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоратадбирлар мажмуини ўз ичига олади²⁸.

Ахборот технологиялари асрида ахборотнинг муҳимлигини инобатга олинган ҳолда, уни ҳимоялаш бугунги кунда ҳар бир ташкилотнинг долзарб вазифасига айланганлигини кўрамыз. Россиялик олимлар М.В Буйневич., В.В Покусов., К.Е Израиловларнинг тадқиқотларида, “Маълумотларнинг махфийлиги ва яхлитлиги, унинг ваколатли фойдаланувчилар учун мавжудлигини таъминлаш. Ахборотнинг сифати ва хоссаларининг сақланишини, конфиденциаллик маълумотларнинг махфийлигини ва алоҳида фойдаланувчилар томонидан маълум маълумотларга киришини таъминлашни, мавжудлик эса маълумотлар сифатини билдиради, бу маълумотларнинг маълум бир фойдаланувчи томонидан тез ва тўғри олинишини белгилайди²⁹, дейилади. Олимларнинг фикрига кўра ҳимоя чоралари ташқи ва ички манбалардан ахборот ҳужумларининг олдини олишга қаратилган бўлиши кераклиги таъкидланади.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Г.К Зарипова., Ж.Ж.Рамазонов қуйидаги фикрларни билдирадилар “зарарли дастурларга қарши самарали курашиш ахборот хавфсизлигига ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун комплекс ёндашувни талаб қилади. IT бозорида ахборот хавфсизлигига тўртта асосий таҳдид мавжуд: антивирус дастурлари, корпоратив тармоқ харитаси, шахсий омборхоналар ва ҳужумни юмшатиш тизимлари. Бу ресурслардан тўғри фойдаланиш, шубҳасиз, ахборот

²⁸ Красов А.В., Штеренберг С.И., Фахрутдинов Р.М., Рыжаков Д.В., Пестов И.Е. Анализ информационной безопасности предприятия на основе сбора данных пользователей с открытых ресурсов и мониторинга информационных ресурсов с использованием машинного обучения // Т-Comm: Телекоммуникации и транспорт. 2018. Т. 12. № 10. С. 36-40.

²⁹ Карев А.С., Бирих Э.В., Сахаров Д.В., Виткова Л.А. Проблемы информационной безопасности в интернете вещей // В сборнике: Интернет вещей и 5G. 2016. С. 66-70.

хавфсизлигини таъминлайди”³⁰, дейилади. Россиялик тадқиқотчилар М.В. Буйневич., В.В. Покусов, К.Е. Израйлов мақолаларида тарифлашча, “Хавфсизлик чоралари потенциал таҳдидларга мос равишда қўлланилиши ва техник жиҳатдан бир-бирини тўлдирадиган кенг қамровли хавфсизлик тизими сифатида ишлаши керак”³¹.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ахборот хавфсизлигининг моҳияти жамият ва иқтисодийнинг нормал ривожланиши учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган ахборот ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ устувор манфаатларга нисбатан фаол ҳимояни ривожлантиришдан иборат бўлиб, ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш ташкилий, қонунчилик ва дастурий-техникавий чора-тадбирлардан фойдаланишни талаб қилишини ҳисобга олинadиган бўлса улар биргаликда қўлланилиши керак, чунки агар ушбу жиҳатлар эътибордан четда қолган тақдирда, ахборотга бўлган хавфнинг оритиши ёки ахборотни йўқотиш эҳтимоли юзага келади, шундай экан жамиятнинг замонавий ҳаётидаги роли тобора муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳар бирмиз учун долзарб масала эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сидельникова Н.В., Беседина Т.В. Информационная безопасность // Образование. Карьера. Общество. 2018. № 1 (56)
2. Грачева Е.А. Информационная безопасность // The Newman in Foreign Policy. 2020. Т. 3, № 54 (98).
3. Устинов Д. Сущность информационной безопасности // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2017. № 12.
4. Роберт И.В. Информационная безопасность личности // Труды международного симпозиума «Надёжность и качество». 2018. Т. 1.
5. Красов А.В., Штеренберг С.И., Фахрутдинов Р.М., Рыжаков Д.В., Пестов И.Е. Анализ информационной безопасности предприятия на основе сбора данных пользователей с открытых ресурсов и мониторинга информационных ресурсов с использованием машинного обучения // Т-Сomm: Телекоммуникации и транспорт. 2018. Т. 12. № 10.

³⁰ Зарипова Г.К., Рамазонов Ж.Ж. Информационная безопасность (обязанности) Текст научной статьи по специальности “Компьютерные и информационные науки”. Педагогический науки. Журнал. №3 2021. С.1-4 <https://cyberleninka.ru/article/n/informatsionnaya-bezopasnost-obyazannosti/viewer>

³¹ Буйневич М.В., Покусов В.В., Израйлов К.Е. Модель угроз информационно-технического взаимодействия в интегрированной системе защиты информации // Информатизация и связь. 2021. № 4. С. 6673. DOI: 10.34219/2078-8320-2021-12-4-66-73.

6. Карев А.С., Бирих Э.В., Сахаров Д.В., Виткова Л.А. Проблемы информационной безопасности в интернете вещей // В сборнике: Интернет вещей и 5G. 2016

7. Зарипова Г.К., Рамазонов Ж.Ж. Информационная безопасность (обязанности) Текст научной статьи по специальности “Компьютерные и информационные науки”. Педагогический науки. Журнал. №3 2021.
<https://cyberleninka.ru/article/n/informatsionnaya-bezopasnost-obyazannosti/viewer>

8. Буйневич М.В., Покусов В.В., Израилов К.Е. Модель угроз информационно-технического взаимодействия в интегрированной системе защиты информации // Информатизация и связь. 2021. № 4. DOI: 10.34219/2078-8320-2021-12-4-66-73.